Наврўз байрами манбаларда келтирилишича, миллоддан аввалги учинчи минг йилликда қадимги **Мисрда**, баъзи манбаларга кўра эса **Месопотамияда** пайдо бўлган. Шунингдек, ушбу байрамни қадимги **римликлар** миллоддан аввалги 45 йилгача 1 мартда нишонлашган бўлса, миждияликлар 21 мартда кутиб олшган.

Месопотамияда ҳар йили 21 мартдан Дажла дарёси суви кўпая бошлайди. Бу эса дарё атрофидаги халқ учун деҳқончилик ишлари бошланиши демакдир. Икки ҳафтадан сўнг Фрот дарёси атрофидаги аҳоли ҳам деҳқончилик ишларига киришади. Месопотамияликлар шу кунга катта базм уюштирган ва никобларда

раксга тушиб, ашулалар айтишган.

Кейинчалик Наврўзиди нишонлаш яҳудийлар, юнонлар, болқонликлар ва бобилдаги қабилаларга ҳам тарқалган.

**Бобилликлар** бу байрамни найсон ойи (март-апрел)да нишонлашган ва ўн икки кун давом этган. Мазкур байрамни улар ёруғлик маъбудди Мардукнинг ўлим ва ёвузлик маъбудлари устидан қозонган галабаги шарафига нишонлашар эди. Шунинг учун муқаддас ҳисобланган ушбу 12 кунда уруш очил, суд қилиш, болалар ва қулларга ёмон гапириш ҳам тақиқланган.

Ҳозирга келиб дунёнинг кўплаб мамлакатларида Наврўз аънаваный байрам тусига кирган. Кўплаб давлатлар қатори бизнинг республикамизда ҳам бу кунга миллий байрам мақоми берилган. Ён қўшимиз — **Қозғистонда** Наврўз (Ноуруз мейраму) 1926 йилдан (1988 йилда қайта тикланган) бери энг муҳим байрам сифатида нишон-

ланиб келинади. Бу ерда Наврўз 22 март кунини байрам қилинади.

**Ўзарбайжонда** ҳам Наврўз асосий байрамлардан бири ҳисобланади ва унинг келиб чиқилиши Зороастризм билан боғлашади.

Ўзарбайжондаги Наврўз байрами ҳақида энг қизиқарли маълумот Гусейнгулу Сарабскийнинг «Қадимий Боку» асарига баён этилган: «Бокуда Наврўз бошқа байрамларга нисбатан ўзгача тантанавор тарзда нишонланар эди. Байрамга йил давомида тайёргарлик кўрилар, сешанба кунлари уй олдига олов ёқилар эди. Аёллар оловга хушбўй кўкатлар ташлаган ҳолда, денгизга фарқ бўлган қариндош-уруғларининг қайтиб келишини куттишарди...»

Қайси даврда, дунёнинг қай бурчагида нишонланишидан қатъи назар, Наврўз баҳор, деҳқончилик ишларининг бошланиши, табиатнинг ўйғонишидан далолат беради. У одамларга ҳамisha олам-олам қувонч, баҳорий кўтарини кайфият улашаверади.

**Абдумажид Умар тайёрлади**

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

# Ҳамма нарсадан хабардор инсон

Ҳар гал Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрига борганимда вилоят "Матбуот тарқатувчи" МЧЖга қарашли 14-матбуот дўконига кириб ўтаман. Шаҳар бозори ҳудудида жойлашган ушбу дўкон ҳамisha гавжум бўлади. Дўкон сотувчиси — Умаржон Мирзаев дилкаш, самимий инсон. У киши билан суҳбатлашсангиз зеркиб қолмайсиз, сизга юртимизда бўлаётган янгилуғу ўзгаришлардан тортиб, дунё воқеаларига эринмай сўзлаб беради. У матбуотга қизиқиши ҳамда касби тақозосига кўра газета-журналларни кўп мутолаа қилади. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсадан ўз вақтида хабардор.



Умаржон ака асли кўшни Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, Шаҳристон туманидаги Холдорқипчоқ қишлоғида туғилган. Мактабда ўқиган пайтларида ҳам қишлоқ почта алоқа бўлимидан матбуот нашрларини олиб келиб, ўқувчиларга тарқатар экан. Ушунда мактабдошларининг талашиб-тортишиб газета-журналларни олишгани унда матбуот тарқатишга ҳавас уйғотган бўлса, ажабмас. Аммо унинг бу соҳада иш бошлаганига қадар бир неча қовун пишиги ўтди.

1983-1985 йилларда армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтган, у Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида деҳқончилик билан шуғулланди. Янгиер шаҳрига кўчиб келганидан кейин эса нон заводида ишлади. Бир муддат хазирги матбуот дўконлари ўрнида қандолат маҳсулотлари ҳам сотиб кўрди. Бироқ доимо ишидан кўнгли тўлмас эди. Шунда яқин дўстларидан бири дўконда газета-журналлар сотиб кўришни маслаҳат берди. Бу тақлифдан кўнгли равшан тортиб, вилоят маркази — Гулистонга отланди. "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ раҳбарига ўрашиб, ўз хоҳишини айтди. Раҳбарнинг "Дўкон сотувчиси-сининг машини оз, кийнаиб қолмайсизми?", — деган саволига "Бу айни менбоп иш, эгалиман", — дея жавоб берди. У рухсатни олган, дўкон очиб учун зарур ҳужжатларни тўғрилаб, иш бошлади.

Мана, шунга ҳам ўн йил бўлди. Бу орада ишдан бўш пайтларида томорқасига экин экиб, ҳосил кўтарди. Даромадига сигир, қўй, товуқ сотиб олиб, рафиқаси кўмагида уларнинг парварishi билан шуғулланди. Тўш, суг, туҳум ҳам маҳсулотлар ўз хонадонидан чиқадиган бўлди. Рўзғорига кут-баракка кирди. Бир сўз билан айтганда, барчасини эгладди. Буларнинг кўнгли икки ўғли ҳам яқин ёрдәмчиларига айланган.

— Инсоннинг кўлидан ҳар нарса келади, — дейди Умар ака ўз-оқ суҳбатлашганимизда. — Ҳафсага, иштиёқ ва оғина сабр бўлса, барча ишни ундаш мумкин. Мухими, бир жойда тўхтаб қолмаслик керак. "Интиланга толе ёр", дея беҳизга айтилган ку?

— Одамлар журналларга нисбатан газеталарни кўпроқ олишади, — сўзига давом этади у. — "Адолат кўзгуси", "Хордик", "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози" ҳамда спорт мавзуси ёритидаган нашрларнинг харидорлари кўп. Уларга "Ўзбекистон адабиёти ва

санъати", "Хуррият", "Моҳият" каби газеталарни ҳам ўқишни тавсия қилиб тураман.

— "Ўтмаётган" нашрларнинг нархи баландми? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Бу гапинида ҳам жон бор. Биласизми, тахририятлар билан матбуот тарқатувчиларнинг иши ўзаро боғлиқ. Улар нашрларга нарх белгилашдан олдин бу борада ҳамкорликда ўқувчилар талаб-эҳтиёжини, фикрини ўргансалар соз бўларди. Ана шунда дўконларимизда баъзи нашрлар саргайиб қолиб кетмас эди. Аммо ҳақиқий ўқувчи учун нарх-наво баҳона бўлмайди. Халқимиз азалдан маърифатга, зиёга ташна. Олдики бир матбуот дўкони сотувчиси сифатида бунга ҳар қуни гувоҳ бўламан. Баъзи мухлислар мендан олдин сахарлаб дўкон олдига келиб навбатда туришади. Кечки пайт уйга бора-нимда ҳам кўни-қўшчилар газета-журналлар сўраб чиқишади. Уларнинг илтимосларини ҳеч қачон ерда қолдира олмадим.

Бир пайтлар матбуот дўконларини асосиз равишда чека жойларга кўчир-кўчир бошланган эди. Натихада нашрлар савдоси пасайиб кетганди. Кейинчилик Республика "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси раҳбариятининг сайёҳ-харакатлари тўғрисида бу ноқуш ҳолатларга барҳам берилди. Мен ана шунга назарда тутиб, суҳбатдошимдан: "Дўконингиз савдо учун қулай жойда жойлашганми?", — деб сўраганимда, у фикрини қуйидагича ифодалади:

— Савдо учун жуда яхши жойдамиз. Бозор маъмуриятига раҳмат, биз учун барча шароитларни яратиб берган. Кўндан бери матбуот дўконларига ёзда совутидиган, қишда иситиладиган кондиционерлар қўйилса бўлмасмикан, деб ўйлайман. Агар бунинг иложини топилса, сотувчиларнинг иш унумдорлиги янада ортган бўлар эди...

Суҳбатимиз якунида Умар акани кириб келаётган Наврўз байрами билан табрикладим. Шунда у киши "Ўзингизни ҳам, барча "Xabar" газетаси ходимларини ҳам қўшалок байрами билан табриклайман", — деб қолди. У нимага шамма қилаётганини дарров тушундим. Ахир, 21 март Наврўз байрами бўлиши билан бирга, газетамиз ташкил топган кун ҳамдир.

Ана шунча, бу тиниб-тиничи-магур Умар ака барча нарсадан хабардор одам...

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

## XORAZM MA'MUN AKADEMIYASINING MING YILLIGIGA

Маълумки, Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун кўҳна Урганчада 998 йили "Байт ул-ҳикма", яъни "Донишмандлар уйи"ни ташкил этган эди. Бу илм-фан марказининг ташкил топишида вазир Абулхусайн билан бирга 25 ёшли олим Абу Райҳон Берунийнинг хизмати катта бўлган. Тез орада Хоразм пойтахтида турли юртлардан келган истеъодли илм мухлислари тўпланди. Улар фаннинг — риёзиёт, фалакийёт, табобат, ҳуқуқ, тарих, мантиқ, фалсафа, адабиёт, жўрофия соҳаларига оид тадқиқотлар олиб бордилар.

## "БАЙТ УЛ-ҲИКМА" — ДОНИШМАНДЛАР УЙИ

Авалло, "Байт ул-ҳикма"да тарихда ўчмас из қолдирган ёрқин юлдузлар — Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино билан қадимги юнон илми хусусидаги ёзишмаларини, Аристотел, Афлотун, Сўкрат, Евклид, Гиппократ (Букрот), Гален ва бошқалар асарларини ўрганиб, таъқиқий мулоҳаза элагидан ўтказиб, лозим қўрилган ҳолларда янги, аниқроқ ҳулосаларга келганликларини бугун ҳам маърифатли дунё эътироф этмоқда. Улар билан бирга ўнлаб юртдошларимиз Маъмун академиясидан хизмат қилиб, илм-фаннинг кўп соҳаларида ўзларини синаб кўрдилар. Бу аждодларимизнинг айримлари хусусида сўз юритсак.

Хоразмлик Абу Наср ибн Ироқ (Аъроқ) (?-1036) йирик риёзиётчи (математик) ва фалакийётчи (астроном) олим бўлган. Унинг қаламига мансуб бўлган асарлар ичида "Самонинг шарҳида экани ҳақида китоб", "Даққиқалар жадвалига оид рисола", "Устурлобни (астролябия) санъат усулида ясаш ҳақидаги рисола"лар бор. Шунингдек, у Евклиднинг "Негизлар" асарининг ўн учинчи китоби бўйича "Юз берган шубҳани ҳал қилиш ҳақидаги рисола"ни ҳам ёзган. Ибн Ироқ ўз даврида "Батлимуси соний" деган фохрий ном олган. Ул зот Беруний, Ибн Сино, Хаммор каби алломалар билан нафақат илмий мулоқот олиб борган, балки чин дўст ҳам бўлган.

Кўҳна Урганчадаги "Байт ул-ҳикма"да ҳурмат ва эъзозда бўлганлардан яна бири — Абулхайр ибн Ҳаммордир (941-1048). Бу аллома Бағдодда муҳаррислик қилар эди. У Хоразмшоҳнинг тақлифи билан Урганча келади. Хоразмшоҳнинг шахсий табиби ва надиими (дўсти, маслаҳатқўйи)га айланади. Ҳаммор табобат хусусида тўртта монография ёзган. Табиблар сависини белгиловчи рисола битган. Бундан ташқари, фалсафа, риёзиёт, астрономия ва мантиққа оид ўндан ортқ асарлар яратган. Унинг "Дўст ва дўстлик ҳақида"ги китоби ҳам машҳур бўлган. Абулхайрни замондошлари асосли равишда "Букроти соний" (Иккинчи Гиппократ) дея номлашган эдилар. Яна бир китобини маълумот: Ҳаммор 107 йил умр кўрган. У аввал насроний динида бўлган ва 102 ёшга етганда Исромини қабул қилган.

Хоразм "Донишмандлар уйи"нинг яна бир олими тошкентлик

Шарофиддин Абу Абдуллоҳ Илоқий (?- 1008) бўлган. Шош мадрасасини битирган ёш табиб Бухорога бориб билимини чуқурлаштириди ва Урганчада Ибн Синога шогирд тушиб, машҳур ҳажим даражасига кўтарилди. У фалсафа ва тарихга ҳам қизиққан. Илоқийнинг "Илоқий табобат ҳақида рисола"лар тўплами битганлар. Унинг ушбу китоби қўлэмалари бугунги кунда Ливан пойтахти Байрут ва Мисрнинг Искандария шаҳрида ҳам сақланмоқда. Илоқийнинг табобатга оид бошқа рисолалари ҳам мавжуд.

Абу Саҳл Масихий (970-1011) ҳам Хоразм "Донишмандлар уйи"нинг фаол ходимларидан бўлган. У Хоразмшоҳга қарашли музофотларнинг бири (Каспий бўйи)дан Урганчага келган. Аллома фалсафа, табиатушунослик ва табобат соҳаларида тадқиқотлар олиб борган. Масихийнинг "Тиббийотга оид юз масала" китоби қомусий асар ҳисобланиб, кўпчиликка манзур бўлган. Унинг бу китоби Абу Али Ибн Синонинг машҳур "Тиб қонунлари"ни яратишига илҳом берган, деган мулоҳазада жон борга ўхшайди. Таъкидлаш жоизки, Ибн Сино билан Масихий ўртасида алоҳида илиқлик, самимийлик мавжуд эди.

Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038) Хоразмга Бухоридан келган эди. У адабиётшунос, тилшунос, тарихчи бўлган. Унинг "Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдоналари" асари машҳур эди. Унда Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва бошқа кўшни юрт алломалари, хусусан, бир неча тилда ижод қилган адабиётшунослар ҳақида ҳам бой маълумот тўпланган. Асарда муҳим тарихий-этнографик маълумотлар, шоирлар ижодидан парчалар берилган. Нобъ асар муқаддима, 4 фасл, 40 бобдан иборат бўлган. Ас-Саолибий ўз асарини Хоразмшоҳ Маъмунга тақдим этган.

Маъмун академиясининг яна бир фаол аъзоси Абу Али ибн Мискавайх (?- 1030) эди. У тарихчи, файласуф, адиб ва табобат бўлган. Унинг "Ҳажон халқлари тажрибалари" китоби машҳурдир. Асарнинг сўнгги қисмида араб халифалигининг Х аср-

даги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ибн Мискавайх ахлоқ, одоб, поклик ва гигиенага оид асарлар яратган. Олим турли юрт донишмандларининг, шу жумладан, араб, форс, ҳинд ва юнон алломаларининг ҳикматлар тўпламини тузган. Мискавайхнинг бу асари таъсирида кейинги асрларда Исрол дунёсида бир қанча ахлоқий-дида-

тик асарлар ёзилган. Шу жумладан, XIII асрда ижод этган аллома Насриддин Тусий ибн Мискавайхнинг дидактик мавзуларини давом эттирган.

Хоразм академиясида, шунингдек, математик ва астроном Абу Маҳмуд ал-Хўжандий, кимёгар олимлар — Абдулҳаким ас-Солиҳ, Абу Абдулло Навасарий ва ўнлаб бошқа тадқиқотчилар хизмат қилганлар. Айрим маълумотларга кўра, етмишдан ортқ, бошқа манбаларга қараганда, юзга яқин минтақанинг турли ерларидан келган илм аҳли бу ерда баракали иш олиб борганлар. Демак :

— "Байт ул-ҳикма" ходимлари қомусий илмларга эга бўлганлар, табиий ва аниқ фанларни билиш билан бирга кенг ижтимоий билимларни ҳам пухта ўзлаштирганлар;

— уларнинг кўпчилиги нафақат араб, форс, туркий тилларини, балки лотин, юнон, санскрит, сурёний, қадимги яҳудий тилларини ҳам билганлар. Кўптиллик илм аҳлига ўзга юрт алломалари асарларини аслидан ўрганишга имкон берган;

— бу ерда ўша даврининг асосий белгиларидан бири — дунёвий илм-фан диний билим билан уйғун ҳолда ривожланган, уларнинг бири иккинчисига зиддиятда бўлмаган (минтақада инквизиция юз бермаган). Ҳатто бошқа динлар аҳлига ҳам бағрикенглик билан қаралган.

Хоразм Маъмун академиясининг салмоқли илмий-маданий ишлари ўша пайт ҳукмдорларининг илм-фан қадрини англашдан, илм аҳлига шароит яратиб беришдан, ўлкамизда иқтидорли олимларнинг кўплигидан далолат беради.

Мустақилликка эришганч, Ўзбекистон Республикасининг инсон цивилизациясига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, уларни ҳақли равишда эъзозламоқда. Хиванинг 2000 йиллик тантаналаридан сўнг 1997 йил Хоразм Маъмун илм марказини тиклаш хусусида, унинг Ўзбекистон Фанлар Академияси хузуринда фаолият кўрсатиши ҳақида мамлакатимиз Президентининг Фармони эълон қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил, 10 ноябрда "Хоразм илм даргоҳининг минг йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ва бунга ЮНЕСКОнинг қўшилиши ҳам катта рамзий аҳамиятга эгадир.

Абдулла АБДУНАБИЕВ,  
ТАТУ профессори

**SOG'LIG'IM — BOYLIGIM**

Минг йиллик тарихи бор, асрлар оша бизгача етиб келган баҳор байрами — Наврўзнинг кириб келишига ҳам санокли кунлар қолди. Баҳорнинг илк шабадаси қиш уйқусида ётган бутун борлиқни ўзининг ҳаётбахш дами билан эркалатиб уйғотади. Кўкламда чор-атроф бекиёс даражада гўзаллашиб, тоғ ва адирлардаги кўм-кўк майсазорлар, бойчечаклар, долалару чўчмоллар бутун тирик мавжудотни мафтун қилмай қўймайди. Наврўз кунлари катта-ю кичик она табиат билан янада яқин бўлишга ҳаракат қилади. Бу табиийдир, чунки биз ҳаммамиз табиат фарзандларимиз.

# Кўкламнинг қувватбахш неъматлари

Баҳор фаслида борлиқда судир бўладиган ўзгаришлар инсон организмга ҳам таъсир кўрсатади. Бу даврда аҳоли ўртасида турли хил шамоллашлар, вирусли касалликлар, томоқнинг яллиғланиши — ангина каби касалликлар кўп қайд қилинади. Шунингдек, ҳар хил ёшдаги кишиларнинг қўйидаги "шикоятлари"ни эшитиб қоламиз: "Ухлаб, уйқуга тўймайман", "Иш қилмасам ҳам чарчаб қолмаман", "Ҳеч қандай сабабсиз тинкам қурийдим" ва ҳоказолар. Бундай ҳолларни халқимиз "илик ўзилиди" ибораси билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Бизнингча, ушбу ҳолатнинг келиб чиқишига бир томондан баҳор фаслида кузатиладиган табиатдаги кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан — инсон истеъмол қиладиган сазоват ва мевалар таркибидаги мавжуд витаминларнинг камайиб кетишидир. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларида витаминларнинг камайиши кишилар ўртасида гиповитаминоз касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Бунда инсон организмнинг турли хил касаллик қаҳирувчи микроорганизмларга қарши курашиш қобилияти ёқсин пайсаёб кетади.

Хўш, дармонсизликнинг олдини олиш, одамнинг ҳасталиқларга қарши курашиш қобилиятини кучайтириш учун нима қилиш керак? Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда турли хил ошқўқлардан, она табиатнинг

бебахо тухфаси бўлган ёввойи қўқатлар — ялпиз, нана, жағжағ, отқулоқ, исмалоклардан турли хил сомсалар, чучвара, манти ва хоним каби таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш кони фойдадир. Бундай таомлар аҳоли ўртасида баҳорда кузатиладиган гиповитаминоз касаллигини йўқотишда катта самара беради. Чунки юқорида номлар келтирилган ошқўқлар таркибидида саломатлик учун жуда зарур бўлган турли витаминлар, микроэлементлар, биологик фаол моддалар кўп. Улар, айниқса, аскорбин кислотасига, В<sub>1</sub>, В-РР, Р, К витаминларига ва каротинларга бойдир.

Ёввойи ҳолда кенг тарқалган ошқўқлар ўз таркибидида витаминларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан маданий ошқўқлардан қолишмайди. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашдики, эрта баҳордаги юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ёввойи ошқўқлар таркибидида одам организм учун зарур витаминларнинг кўп йиғилишига сабаб бўларкан. Кези келганда ана шуни ҳам айтиш керакки, ошқўқлар таркибидидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушга қадар ортиб бориб, сўнгра пасаяр экан.

Организмнинг турли хил касалликларга қарши курашиш

қобилиятини оширувчи, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси эса куннинг иккинчи ярмида кўпроқ йиғилар экан. Бунда қуёш нурунинг таъсири катта бўлади. Ошқўқларни қанчалик майда қилиб тўғраб, ёғ билан биргаликда пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралиб, кўпроқ фойда келтиради. Шунинг учун ҳам кўк сомса, мантиларга думба ёғи қўшиб пишириш мақсадга мувофиқдир. Ошқўқларни иложи борича озода бўлган, автомобиль, поезд йўлларида, санавот корхоналаридан узоқроқ жойлардан теришга алоҳида эътибор беринг, акс ҳолда улар фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Наврўзда маҳалларда тайёрланадиган сумалакни қувват дронинг ўзгачаси десак, муболағ қилмаган бўламиз. Чунки ўстирилган бугдой донидан тайёрланган сумалак таркибидида жуда ҳам фойдали Е витамини бисёрдир. Шунинг учун сумалак баҳордаги қувватсизликнинг олдини олиш чораларидан бири эканлигини унутманг.

**Абдуваҳоб ТОҶИРИЙ,**  
Тошкент врачлар  
малакасини ошириш  
институтининг "Соғлом  
турмуш тарзи" кафедраси  
катта ўқитувчиси

# Меҳр-мурувват айёми

Қадим замонлардан буён Марказий Осиёда яшаётган халқлар 21 март, яъни кеча ва кундуз тенглашган кунда Наврўзни кутиб олишади. Шу кунги гина-кудуратлар унутилади. Сумалак, ҳалим, кўк сомса ва ҳар хил ширинликлар билан дастурхон безатилади, яқинларга совга-саломлар улашилади.



— Наврўз айёмида ўзбекона одат — меҳмондўстлик ва меҳр-мурувват кўрсатилади, — дейди Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Зулфия Бобожонова. — Айниқса, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва уруш қатнашчиларига моддий ва маънавий ёрдам берилади. Биз беш нафар уруш қатнашчиси ва етти нафар байналмилалчи жангчини оталиққа олганмиз. Шунингдек, 160га яқин ногирон ва 300дан зиёд кам таъминланган оилалар доимо эътиборимизда.

Инсон инсон билан тирик. Бировнинг ҳолидан хабар олсанг, кўнгли кўтарилади, бу дунёда беқор яшамаётганлигини ва одамларга керак эканлигини ҳис этади. Уруш қат-

нашчиси Абдушариф ота Каримов ҳам алоқа ходимлари эъзозидидаги камтар инсонлардан биридир. Алоқачилар табарруқ отани тез-тез йўқлаб туришади. Отаҳон ҳам қадрдон алоқа ходимлари билан дийдорлашишга, кўнгилдан сўхбатлашишга иштиёқманд. Шу боис тез-тез меҳнати сингган корхонада бўлиб, шогирдлари билан учрашиб туради.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**  
жамоатчи мухбиримиз

**Суратда: Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Зулфия БОБОЖОНОВА Абдушариф ота КАРИМОВга байрам совғасини топширмақда.**

**SPORT, SPORT, SPORT**

## УМУММАМЛАКАТ МАРАФОНИ

Бу галги марафон қадимий байралимиздан ҳисобланмиш Наврўз айёмига бағишланиб, унинг биринчи босқичи туман (шаҳар), иккинчи босқичи вилоятларда бўлиб ўтди. Учинчи республика босқичи эса уч йўналишда (1 — Нукус-Урганч-Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент; 2 — Термиз-Китоб-Самарқанд-Жиззах-Гулистон-Тошкент; 3 — Наманган-Андижон-Фарғона-Тошкент) ўтказилади.

Мусобақанинг Нукусдан бошланадиган йўналишига кеча старт берилди. 19 март куни Термиз-Тошкент ва 23 март куни Наманган-Тошкент йўналишлари бўйича ҳам марафон югуришлари старт олади.

Умуммамлакат марафонида тиббий кўриқдан ўтган, соғлом, бир кун давомида 40-60 км. масофанинг ҳар бир километрини 4 дақиқаю 30 сониягача вақтда югуриб ўтадиган профессионал спортчилар ҳамда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган хаваскор югурувчилар иштирок этишмоқда.

## ПОЙТАХТИМИЗДА ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ташкил этилди. Баҳсларда Куба, АҚШ, Россия, Украина, Эрон ва Ўзбекистоннинг энг кучли полвонлари гиламга чиқишди. Спортчилар орасида Олимпиада, жаҳон ҳамда қитъа чемпиони ва совриндорлари бўлиб, улар етти вазн тоифасида доиравий тизимда куч синашишди.

- 1-давра**
1. АҚШ — Ўзбекистон — 18:5
  2. Куба — Украина — 20:8
  3. Куба — Россия — 15:9
  4. Эрон — Украина — 11:18

- 2-давра**
1. Россия — Ўзбекистон — 20:7
  2. Эрон — АҚШ — 11:14
  3. Куба — Ўзбекистон — 22:5
  4. Украина — АҚШ — 16:11

- 3-давра**
1. Куба — АҚШ — 15:11
  2. Россия — Эрон — 15:11
  3. Ўзбекистон — Эрон — 14:14
  4. Украина — Россия — 16:10

- 4-давра**
1. Куба — Эрон — 19:8
  2. АҚШ — Россия — 12:15
  3. Ўзбекистон — Украина — 16:11
- Умумий ҳисоб: 1. Куба, 2. Украина, 3. Россия

## ОМАДСИЗ ТУР

Ҳафтанинг сешанба кунда қитъамиз бўйлаб Осиё чемпиони лигаси гуруҳ баҳсларининг икки тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этаётган икки вакилимиз — мамлакат чемпиони "Пахтакор" ва кумуш медали соҳиби "Нефтчи" жамоалари ҳам навбатдаги учрашувларини ўтказишди.

"Пахтакор" (Ўзбекистон) — "Ал-Завра" (Ироқ) — 1:2

Минглаб мухлислар кўз ўнгидида мамлакатимиз чемпиони Ироқ чемпиони қаршилигини синдира олмади. Биринчи бўлимда ҳимоячиларимизнинг кўпол хатосидан сўнг рақибларимиз ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимда "Пахтакор" ҳужумчиси Александр Гейрихга ишлатилган кўполликдан сўнг ироқликлар дарвозасига 11-метрлик жарима тўпи белгиланди. Бундан Сервер Жепаров унумли фойдаланди — 1:1. Учрашув туғашига бир неча дақиқа қолганида ҳимоячимиз Бахтиёр Ашурматов иккинчи сарик карточкадан сўнг майдондан четлатилди. Майдонда устунликка эришган рақиб жамоа эса фурсатни кўлдан бой бермади.

"Нефтчи" жамоаси ҳам сафардан мағлубият билан қайтди. Саркисян шогирдлари Бирлашган Араб Амирликлари жамоасидан йирик ҳисобда мағлуб бўлди: "Ал-Аҳли" — "Нефтчи" — 3:0.

Ўз мухбиримиз

## ФАРҒОНАЛИКЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Яқинда Фарғона вилояти алоқа корхоналари раҳбар ходимлари ўртасида мини-футбол ва кўпкураш мусобақалари ўтказилди.

Мусобақаларда "Фарғона Телеком", "Фарғона почтаси", "Матбуот тарқатувчи", "Фарғона алоқа" КМЖ, махсус алоқа хизмати, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги худудий бошқармаси жамоалари иштирок этди. Мини-футбол бўйича биринчи, иккинчи, учинчи ўринларга "Фарғона алоқа" КМЖ, "Фарғона почтаси" филиали, махсус алоқа хизмати жамоалари сазовор бўлишди. Кўпкурашда махсус алоқа хизмати, "Фарғона почтаси" филиали, "Матбуот тарқатувчи" жамоаларига юқори ўринлар насиб этди.

Беллашуларда М.Мирзаев, Р.Раҳимхўжаев, Н.Маматов, П.Тоиров, С.Юнусов, Н.Араббобоев, А.Абдуллаева, Л.Маҳмудова, Г.Нишонвалар айниқса фаол иштирок этдилар.

**Маҳфуза ФОЗИЛОВА,**  
Фарғона вилояти алоқа ходимлари бирлашган  
касаба уюшмаси кўмитаси йўриқчиси

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlarga aloqa korxonasi" филиали жамоаси корxonанинг бош хисобчиси Галина Кимга акиси **Борис КИМНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ёқутжон Ражабов — ўз йўналишини топишга интилайтган хонанда. Унинг «Оқибатли бўлинг, одамлар», «Куз ёлғири», «Кўнглингизни оламан», «Кўнгли бор» каби қўшиқларини ёш қари бирдек яхши кўриб тингламоқда. Хонада айни куларда яна бир нечта қўшиқларини мухлислари эътиборига ҳавола этиш ниятида.

Бизнинг Ё.Ражабов билан энг гўзал байрамлардан бири бўлган Наврўзи олам арафасидаги суҳбатимиз ҳам баҳорий кайфиятда ўтди.

— Наврўз энг қадимги ва сеvimли байрамларимиздан бири. Сизни аввало байрам билан табриклайман. Саволим эса мана шу қўтлуғ айём билан боғлиқ. Болалигингиз ва баҳор. Шу икки тусунчани бирлаштириб гапириб бера оласизми?

— Биласизми, баҳор деганда аввало кўз олдимга нима келади? Варрак учирганим ва оналаримизнинг бир жойга йиғилиб, сумалак пиширганлари. Биз — болалар шўх ва ўйинкароқ бўлганимиз учунми, қозон атрофига яқинлаштирамас эдилар. Сумалак пишгач, акаларимиз ёки дадамиз ясаб берган ёғоч қошиқ ёрдамида қозон юқини талашиб-тортишиб ялаганларимиз ҳам менга баҳорни эслатади. Айниқса, варрак ясаш ва уни учуриш. Ҳозир эсласам, энг бахтиёр ва сурурли дамларим ўша пайтда бўлган экан, деб ўйлаб қоламан. Чунки ғам-ташвишсиз эдик, зиммамизда ҳеч қандай масъулият йўқ эди ўшанда.

Болалигим Чирчиқ шаҳрининг тоғларга туташиб кетадиган томонида ўтган. Бизнинг варраклар осмонни тўлдириб учарди. Уларнинг иплари бири-бирига чуваллашиб, бизни жуда қийнаб юборарди. Кейин ўтланлар буй чўзиб қолган мадонда мазаза қилиб футбол ўйнардик.

— Болалигингизда мусиқа билан шугулланишга вақт топа олганмисиз?

— У даврларда ўйнашга ҳам, мактабга боришга ҳам, ҳатто тўғарақларга қатнашишга ҳам улгурардик. Чирчиқ шаҳридаги мусиқа мактабидан Эркин ака Мусабековдан чанг чалишни ўрганишни бошлаган пайтимда учинчи ё тўртинчи синфда ўқирдим. Мусиқа мактабидagi машғулотлар ҳафтада икки ёки уч марта бўларди. Баъзан кўча-кўйда ўйнаб юрганнимизни кўриб қолган Эркин

## Ёқутжон РАЖАБОВ: Болалик баҳорга ўхшайди

ака бизни синфхонасига олиб кириб кетарди. «Ахир, бугун машғулотимиз йўқ, бизнинг дарсими эртага бўлади» ёки «Кеча ўтиб кетди», деб баҳона қилсақ, «Қанча кўп ўргансанг ўзингга яхши, кўча чангитиб юргунча бирорта куйни ўрганиб олсанг, кейин керак бўлади», дерди у киши. Устозимиз чанг чалишни пухта ўрганиб олишимиз учун баъзан кўзларимизни боғлаб ҳам кўярди. «Сен чанг торларини кўнглинг билан кўришни, хис қилишни ўрган, ана шунда яхши чала оласан. Кўзнинг кўргани бошқа, юракнинг хис қилгани бошқа», дея ўтиб беради.

— Ҳар қандай одам, ким билан суҳбатлашмасин, ўзини шу даражага етказган устозини албатта бир гапириб ўтгиси келади...

— Нима демоқчи эканлигингни тушундим. Ҳа, ҳамма ҳам албатта қайсидир даражага эришган экан, унда устозларнинг ўрнини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Устозларим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Машраб Эратов, Авра

роров ҳасад қилмагин, бировнинг кўнглини оғритмагин, дейишарди.

— Менинг назаримда, яхшилик сўзи дўстлик сўзи билан ёнма-ён айтилиши керакдек...

— Биласизми, яшаганимизнинг сўзи олдидин қўқил-қанданми ақллироқ бўлиб борар эканмиз. Бошингизга иш тушса, ким дўст, ким душманлигини билиб оларкансиз. Авваллари дўстларим кўп, оғир кунимда менга ҳамдард бўладиган суянчиқларим бор, деб юрардим. Энди эса... Имкониятдан фойдаланиб, мен билан қиёматлик дўст тutingан биродарларим — Мэлс Ақромов ва Зокир акани энг садоқатли, вафодор дўстларим дея санаб ўтмоқчиман. Ана ўшалар туйфайли бемалол кўқрак кериб, дўстим бор, дейиш мумкин эканлигини англадим.

«Оқибат» деб номланган қўшигим бежиз яралмаган.

— Айни кунларда нималар қилмоқдасиз?

— Қўшиқ ёзгилман. «Не дейсан?» деб номланган янги таронани тутатдим. «Кўнглингизни оламан», «Кўнгли бор» каби давомли қўшиқлар устида иш бошлаганимни мухлислар билишади. Ўша қўшиқларим сафига яна бирини қўшмоқчиман. Номини ҳозирча сир бўла қолсин.

— Газетамиз муштариларининг асосий қисмини алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ташкил қилади. Сизнинг ҳаётингизда алоқа воситаларининг ўрни қандай, қайси уяли алоқа компанияси хизматидан фойдаланасиз, уларнинг ишдан кўнглингиз тўқми?

— Уларсиз ҳаёт йўқ-ку! Мана шу бир оғиз сўз билан бу соҳа ходимларининг элу юртга қанчалик нафи ва фойда тегаётганлигини айтдим, шекилли.

Ҳар қадамда алоқа воситасидан фойдаланамиз. Телевизор кўрамыз, радио эшитамиз. Телефон ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Баъзан мана шу телефонни ўйлаб топган одамнинг отасига балли, деб юборамиз. Чунки деярли ҳамма ишларимиз — биродаримиздан кўнгли сўраш борми, кимидир қайсидир байрам билан табриклаш борми, уйимизга шифокор чақириб борми — ҳамма-хаммасига шу телефон балоғардон.

Ўзим «Ўздунробита» уяли алоқа компанияси хизматидан фойдаланаман. Ҳозирча ҳаммаси яхши.

— Мухлисларингизга байрам тилакларингиз.

— Аввало, ҳар бир одамнинг хонадони тинч бўлсин. Улкамизга кириб келган Наврўзи олам барча кўнглиларга яхшилик олиб келсин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди

### ALOQACHILAR IJODIDAN

#### ЛОЛАГИНАМ

Лола, лола, лологинам,  
Дала, қирда ўсасан,  
Гўзал киз яноғидек,  
Ял-ял ёниб турасан.

Лола, лола, лологинам,  
Сенсан менинг нологинам,  
Сени аста терайин,  
Ёргинамга берайин.

Лола, лола, лологинам,  
Сенсан менинг нологинам,  
Ерим кўнглин овлагин,  
Дилни дилга болагин.

Маҳаррам ЖўРАЕВА,  
Анджон вилояти, Бўз почта  
алоқа тармоғи хабарчиси

### ХАНДАЛАР

Дўқонда квадратлар чизилиб, рақамлар битилган сариқ пижамасотилаётган эди.

— Нега энди бундай? — деб сўради харидор хайрон бўлиб.

— Бу янгилик жуда ҳам қулай, — деди сотувчи. — Мабодо, сизни тунда чивин чақиб олса, рафиқангизга шундай сўзни айтишингиз кифоя: «Азизам, менинг ўн еттинчи квадратимни бир қашлаб қўй!».

— Нима учун ҳаммаёнинг моталоқ?

— Қайнотам оламдан ўтган эди, меросини бўлишдик. Эрим ўзининг улушини олди. Мен ўзимникини.



— Сен билан турмуш қуришга розилик берганимда ғирт аҳмоқ эканман, — деди хотин эрига.

— Ушанда азбаройи сенга маҳлиб бўлганимдан буни сезмаган эканман.

Қаҳвахонага кириб келган мижоздан хўжайини сўради:

— Кўнглилари нимани истайди, хурматли муаллим?

— Менинг муаллим эканлигимни қаердан билдингиз?

— Пайқадим-да! Ўтиришдан олдин стулни диққат билан кўздан кечирдингиз.

— Ёш келин-куёв жанжаллашиб қолди ва келин кўзларида ёш билан деди:

— Бўлди, бас, ҳозироқ юқларимни йиғиштираман-да, бир умрга уйимизга кетаман.

— Жуда яхши, — деди эр. — Ма, манави сенга йўл пули.

Келин пулни санаб кўрди ва хайрон бўлиб деди:

— Қайтишимга етмайди-ку?!

### БОШҚОТИРМА

#### Энига:

7. Голландиядаги машҳур футбол ўйингоҳи. 8. Қурилиш хом ашёси. 9. Жанубий Американинг қадимий қабилаларидан бири. 10. Шаҳмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони (суратга қаранг). 11. Қадимги ҳинд достони — «Маҳобозар» қаҳрамонларидан бири. 16. Бурчак қаршидаги қатеннинг гипотенузига нисбати. 18. Аргентина, Куба ва АҚШдаги бир хил ном билан аталувчи шаҳарлар. 19. «Суюнчи» филмида Зайнаб Садриева яратган образ. 20. Шимолий Америкада қуюннинг номи. 22. Чилидаги селитра хом ашёсига бой қўл. 24. Ривоятчи, афсона айтувчи. 28. Гўрўглининг оти. 29. Ип йиғириш асбоби. 31. Россия автомобили. 32. Мусиқа асбоби. 33. Мукофотланган, тақдирланган

#### Бўйига:

1. Машҳур француз актёри (суратга қаранг). 2. Туркия жанубидаги шаҳар. 3. "... дунё". 4. Тожли тўтиқуш. 5. Ег «тегирмони». 6. Оёқ қийими. 12. Назоратчи. 13. Офицерликдан императорлика қадр кўтарилган машҳур тарихий шахс. 14. Ширинлик. 15. Рим императори — ... Август. 16. Йулнинг очик ёки берклигини курсатадиган ранг-баранг чироқли асбоб, йўлкўрсаткич. 17. Японияда илтиезли феодал харбийлар табақасига мансуб киши. 21. Собиқ «Наврўз» футбол жамоаси. 23. Манзарали дарахт. 25. Қозоғистон пойтахти. 26. Калтаксас тури. 27. Қадимги ирландияликлар ва шотландияликларда уруғ жамоаси. 30. Аччиқ хидли рангсиз газ.



**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Илнат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)  
Шомансур ОБИДХУҲАЕВ  
Миродия САНГИЛОВ  
Лutfило ТурСУНОВ (масъула котиб)  
Раҳимжон ТУРҒУНОВ  
Алшнер ХУҲАЕВ  
Асрор ЭШОНХУҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Солиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳриратта келган қўлма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари таҳрират фикридан фарқлиши мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тажрибавий материал — 0.

Реклама матнларининг тўғривлигига таҳрират жавобгар эмас.

Рақам ва дилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъуладир. Газетани таёйрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манизилдими: 700060, Тошкент-60,  
Т. Шолпечиско кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz.

Газета таҳрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Манизил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турор» кўчаси, 41-уй.

259-G совида буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бачма А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Алади: 9948 нуска.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А. БҮРҒИЕВ.

Матн терувчи: Д. МАТҚУРБОНОВА.

Босингга топширилди — 28.00. Босингга топширилган вақти — 20.00.